

АРАЛАШ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРДА ҚЎЙЛАР ОРГАНИЗМИДА СОДИР БЎЛАДИГАН ГЕМАТОЛОГИК ВА БИОКИМЁВИЙ ЎЗГАРИШЛАР

Б.А.Элмуродов, О.А.Жураев, Л.Х.Шокиров

Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти

Маълумки, кейинги йилларда майда деҳқон-фермер хўжаликларининг ташкил этилиши, молларни сақлаш ва озиқлантириш тартибининг ўзгариши ҳамда бошқа бир қатор сабаблар ҳайвонлар организмида турли, ва шу билан бирга алоҳида бир касалликка хос бўлмаган, клиник белгилар ва патологик жараёнларнинг ривожланишига олиб келмоқда. Мазкур ўзгаришлар аниқланган ҳайвонларни лабораторияда текшириш пайтида улардан бирийўла бир неча юқумли касалликларнинг қўзғатувчилари ажратилмоқда. Бироқ, ҳайвонлар организмида аралаш касалликлар қўзғатувчиларининг таъсири остида содир бўладиган жараёнлар ўрганилмаган.

Шу сабабли бир неча хил қўзғатувчилар юктирилган қўйларнинг қонида ривожланадиган ўзгаришларни ўрганиш мақсадида гематологик текширишлар ўтказилди. Бунда 12 бош қўй тўрт гуруҳга бўлиниб, биринчисига - *E.coli* ва *P.haemolytica*, иккинчисига - *Salm.ovis* ва *P.haemolytica*, учинчисига - *E.coli*, *S. ovis* ва *P.haemolytica* тери остига ҳамда мушак орасига ҳар бири 10 млрд микроб хужайраси (10 мл суспензия) микдорида юктирилди. Тўртинчи гуруҳ назоратда бўлди.

Тажриба бошланишидан олдин ва қўзғатувчилар юктирилгандан сўнг учинчи кунда барча қўйлардан текширишлар учун қон олинди. Ўтказилган гематологик ва биокимёвий текширишлар натижасида қуйидагилар аниқланди.

Эритроцитлар миқдорининг 14,1-20,7 фоизга ошиши ва қон зардобадаги альбуминлар даражасининг 7,7-32,9 фоизга камайиши барча тажриба гуруҳлари учун характерлидир. Учинчи гуруҳ қўйларининг қонида лейкоцитлар сонининг 43,3 фоизга кўпайиши натижасида лейкоцитоз яққол намоён бўлган. II-гуруҳда альбуминлар ва бета-глобулинларнинг сезиларли миқдорда камайиши туфайли қон зардобадаги умумий оксил даражаси 14,2 фоизга камайган.

Бошқа ўзгаришлар орасида I-гуруҳ ҳайвонларининг қон зардобада бета-глобулинларнинг 67,3 фоизга, III-гуруҳ қўйларида эса альфа-

глобулинлар миқдорининг бир неча мартага кўпайишини таъкидлаш лозим. Шу билан бирга, III–гуруҳ қўйларининг қон зардобиди гамма-глобулинлар даражаси икки мартага камайди. Назоратдаги қўйларнинг қон зардобиди текширилганда айтарли ўзгаришлар аниқланмади.

Шундай қилиб, тажрибадаги ҳайвонлар қонини гематологик ва биокимёвий текширишлар натижалари асосида хулоса қилиб айтиш мумкинки, бир неча қўзғатувчилар юқтирилган қўйларнинг қонида касалликнинг бошланиш даврида анча жиддий ва мураккаб ўзгаришлар содир бўлади ҳамда улар, ўз навбатида, организмнинг умумий ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатади.